

## АСАЛАРИЧИЛИК ТАРМОҒИДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ТИЗИМИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ

**Жонибек Фарманов**  
Мустақил тадқиқотчи

### **Аннотация**

Мақолада асалариликтік тармоғида рақамлы технологияларни трансфармация қилишни рағбатлантиришнинг ташкилий ва иқтисодий дастаклари ифодаланған. Тармоқда рақамлы технологияларни жорий этишни субсидиялаш бүйича таклифлар баён этилған. Шунингдек, рақамлы технологияларни жорий этишни молиялаштирадыган тузилмаларни құллаб-қувватлаш мақсадида “Асаларилиқда технологик трансфер” жамғармасини ташкил этиш ва уни молиялаштириш манбаалари очиб берилған.

**Калит сўзлар:** асалариликтік, рақамлаштириш, рағбатлантириш, рақамлы технология, субсидия, “Асаларилиқда технологик трансфер”, 3D курилмалари, сунъий йўлдош новигацияси, Big Data.

### **Кириш**

Ривожланған давлатлар тажрибаси кўрсатишича қишлоқ хўжалигини рақамлаштириш билан боғлиқ тадбирлар доим давлат назоратида ва қўллаб-қувватлаш механизмлари ёрдамида амалга оширилади. Хусусан АҚШ, Германия, Япония каби технологик ривожланған ҳамда хусусий сектор улуши ва хизмат кўрсатиш сифати юқори бўлған давлатларда ҳам айнан қишлоқ хўжалиги учун рақамлаштириш масаласи давлатнинг зиммасига юклатилған.

Шунинг учун ҳам мамлакатимиз аҳолисини табиий ва органик маҳсулотларга бўлған талабини таъминлаш, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини ошириш мақсадида асалариликтин ривожлантириш ва уни замонавий инновацион технологиялар билан қуроллантириш мақсадида тармоқда ташкилий ва иқтисодий рағбатлантириш дастакларига зарурият ортиб бормоқда.

### **Асосий қисм**

Тадқиқотларимиз асосида асаларилиқда рақамлы технологияларни трансфармация қилишни рағбатлантириш йўллари сифатида ташкилий ва иқтисодий дастаклардан кенг фойдаланиш лозим деб ҳисоблаймиз. Хусусан ташкилий йўналишда қуйидаги вазифаларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- “Ақлли асалари уялари”ни ташкил қилиш, мамлакатимиз иқлим шароитларига мослаштиришга оид тадқиқотлар ва тажрибаларни олиб бориш;
- рақамли қурилмалар, масофадан бошқариш воситалардан фойдаланишга оид хуқуқий асосларни такомиллаштириш, барча учун содда тизим яратиш;
- рақамли қурилмалардан фойдаланишни оммалаштириш, тарғиб қилиш, тушунтириш ишларини олиб бориш мақсадида семинарларни тақшил этиш;
- ақлли қурилмалар билан жиҳозланган асаларичилик хўжаликларини ўрмон фондидан мақсадли ва тартибли фойдаланиш йўлларини ташкил этиш ва бошқалар.

Шунингдек асаларичилиқда рақамли технологияларни жорий этишни рағбатлантиришнинг иқтисодий йўналишлари сифатида қуйидаги вазифаларни бажариш лозим деб хисоблаймиз. Жумладан:

- рақамли технологияларни тўлиқ жорий этган хўжаликлар учун имтиёзли кредитлаш тизимини жорий этиш, суғурталаш тизимини такомиллаштириш;
- хўжалик билан ҳамкорликда кооперацион алоқалар орқали ақлли қурилмаларни ишлаб чиқарувчи корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлаш;
- жами асалари оиласлари сонининг маълум улушига рақамли технологияларни жорий этган хўжаликларни табақали субсидиялаш тизимини жорий этиш;
- асаларичилиқда рақамли технологияларни жорий этишни молиявий қўллаб-қувватлашга кўмаклашувчи фондларни ташкил этиш ва ривожлантириш ва бошқалар.

Ушбу ташкилий ва иқтисодий дастакларнинг ҳар бирининг амалиётдаги ўрни бекиёс бўлиб, у монографик тадқиқотларда ҳам йўзининг тасдиғини топган. Айниқса суғурталаш, имтиёзли кредитлаш, субсидиялаш масалалари ҳамда соҳани молиялаштирадиган алоҳида жамғармаларнинг шаклланиши йўзининг ижобий таъсирини кўрсатиши таъкидланган.

Шу боис тадқиқотларимизда субсидиялаш ҳамда махсус жамғармаларни ташкил этиш ҳамда уларни молиялаштириш йўналишларига алоҳида урғу қаратган ҳолда илмий талифлар асосланган. Жумладан ҳудудларда ўтказилган сўровномалар таҳлиллари кўрсатишича бир асалари хўжалиқда ўртача 1 та павилион (32 яшиқ, 64 та оила) парваришланишини эътиборга олинса, унда камида 4 та яшик (12,5 фоизи) доимий назоратдаги, рақамли технология билан жиҳозланган бўлиши талаб этилади. Шундагина асалариларнинг кунлик ҳолатини минимал даражада реал вақт режимида мониторинг қилиш имконияти мавжуд бўлади.

Шундан келиб чиқсан ҳолда асаларичилик хўжаликлари учун рақамлаштиришга субсидия ажратишида минимал меъзон белгиланиши таклиф этилмоқда. Ушбу меъзонни минимал даражада бажарган ҳамда уни павилиондаги яшиклар сонига мос равишда ошириб боришдан манфаатдор бўлган хўжалилкарни табақали субсидиялаш тизимини жорий этиш мақсадга мувофиқ (жадвал).

Жадвал

#### **Рақамли технологияларни жорий этган асаларичилик хўжаликларини субсидиялаш тизими ва унинг табақалари<sup>1</sup>**

<b>Субсидиялаш миқдори</b>	<b>Минимал меъзон</b>	<b>Табақалашган ҳолда қўлланилиши</b>		
		<b>Минимал талабни бажарган</b>	<b>30 фоизига жорий этган</b>	<b>50 фоизига жорий этган</b>

<sup>1</sup> Муаллиф томонидан таклиф этилган

БХМ нинг 5 баробари микдорида	Жами яшиклар сонининг 12,5 фоизида рақамли технология жорий этиш	1,0	5,0	10,0
<b>Шунингдек миңтақавий, ўсимлик туридан келиб чиққан ҳолда коэффициентлар ҳам жорий этиш мумкин</b>				
Тоғ ва тоғ олди асаларичилиги учун	1,0	5,0	10,0	
Пахтачилик асаларичилиги учун	1,0	8,0	12,0	
Чўл ва ярим чўл асаларичилиги учун	1,5	6,5	11,0	

Рақамли технологияларни жорий этган асаларичилик хўжаликларини субсидиялашда 2023 йил ҳолатига амалиётдаги баҳодан келиб чиққан ҳолда БХМ нинг 5 баробари микдорида субсидия ажратиш таклиф этилмоқда.

Ушбу микдор хўжалиқда мавжуд жами яшиклар сонининг 30 фоизида жорий этган хўжаликлар учун 5 коэффицентга қўпайтирилиши ҳамда 50 фоизида жорий этилган бўлса 10 коэффициентда қўлланилиши мақсадга мувофиқ.

Шу билан биргалиқда ушбу микдор тоғ ва тоғ олди асаларичилиги учун қўлланилиб, кимёвий препаратлар таъсири юқорилигини инобатга олган ҳолда пахтачилик худудларида асал этиштирадиган хўжаликлар учун мос равишда 30 фоизга 8 ҳамда 50 фоизда 12 коэффициентлар таклиф этилади.

Бозор муносабатлари шароитида хусусий секторнинг ўрни ошиб бориши табиий жараён бўлиб, давлат томонидан субсидиялаш бу дастлабки босқичларида, хўжаликларнинг оёққа туриб олиши ва янги технологияларнинг кенг тарғиб қилиниши учун хизмат қилиб, истиқболда у бозор механизмлари ёрдамида ишлаб кетиши лозим бўлади.

Бунинг учун эса ушбу технологияларни жорий этишни молиялаштирадиган тузилмалар, қўллаб-қувватлайдиган идоралар ташкил этилиши мақсадга мувофиқ. Шунинг учун тадқиқотларимизда “Асаларичиликда технологик трансфер” жамғармасини ташкил этиш лозим деб ҳисоблаймиз (1-расм).



1-расм. “Асаларичиликда технологик трансфер” жамғармасининг такшилий-иктисодий муносабатлари<sup>2</sup>

Ушбу жамғарманинг мақсади асаларичилик хўжаликлирида замонавий рақамли технологияларни жорий этишни молиявий қўллаб-қувватлаш, уларни имтиёзли кредитлар, янги технологияларнинг амалиётга жорий этилишига қўмаклашиш, хўжаликларнинг қизиқиши ва кўникумаларини ошириб бориш ҳисобланади.

Ушбу жамғарма ўз фаолияти жараёнида куйидаги вазифаларни бажаради. Хусусан:

- асаларичилик хўжаликларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, рақамли технологияларни жорий этиш, ўрганиш мақсадлари учун кредит ресурсларини ажратиш ҳамда ундан фойдаланишни янада кенгайтириш;
- асал етиштирувчиларнинг инновацион фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш, замонавий қурилмалар яратиш, ишлаб чиқариш ва жорий этишни рафбатлантириш;


<sup>2</sup> Муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган.

- асаларичилкни ривожлантиришга қаратилган мақсадли давлат, тармоқ ва худудий дастурларни, илмий-техник лойиҳаларни молиялаштириш, шу билан биргаликда ушбу тадбирларни жорий этишда иштирок этиш;

- ракамли технологияларни жорий этишда айланма маблағларга муҳтож бўлган асал етиштирувчилар, қайта ишловчилар ҳамда хизмат кўрсатувчилар фаолиятига кўмаклашиш;

- асал ва асаларичилик маҳсулотларини ташишга мўлжалланган маҳсус автотранспорт воситалари, асбоб-ускуналар, қурилмалар билан таъминлаш мақсадлари учун лизинг фаолиятини йўлга қўйиш, ушбу мақсадлар учун манфаатдор томонлар билан ҳамкорлик қилишдан иборат.

Ушбу жамғарманинг молиявий ресурсларини шакллантиришда давлатнинг мақсадли ва донорлик пул маблағлари билан биргаликда алоҳида ва умумий имтиёзлар билан йўналтирилган маблағларнинг шаклланиши мумкин бўлган манбаалар таклиф этилади (2-расм).



**2-расм. "Асаларичиликда технологик трансфер" жамғармасини молиялаштиришда алоҳида имтиёзлар билан йўналтирилган маблағларнинг шаклланиши<sup>3</sup>**

Унга кўра алоҳида рағбатлантирувчи имтиёзли маблағлар сифатида ахолига асаларичилик учун ажратилаётган ва аукцион савдоларига чиқарилаётган ер майдонлари бозор қийматининг 20 фоизи миқдоридаги маблағлар ҳамда импорт қилинган асал маҳсулотлари ва асалари инвентарлари учун ҚҚС ва бож тўловларининг 50 фоизи миқдоридаги маблағларни йўналтириш таклиф этилмоқда.

Шунингдек, умумий рағбатлантирувчи имтиёзли маблағлар сифатида рақамли қурилмалар билан боғлиқ тадқиқотларни тижоратлаштириш қийматининг 15 фоизини йўналтиришдан шаклланган маблағлар ҳамда ақлли уяларни жорий этиш натижасида берилган солик

<sup>3</sup> Муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган.

имтиёзларининг 50 фоизини йўналтиришдан шаклланган маблағлардан шаклланиши мақсадга мувофиқ.

### **Хулоса ва таклифлар**

Хулоса қилиб айтганда, "Асаларичилик трансфер" жамғармасини ташкил этиш орқали асаларичиликни рақамлаштириш, ақлли уяларни жорий этишга хусусий секторни жалб қилиш, соҳада олиб борилаётган илмий инновацион лойиҳаларнинг якуний ишланмаларини амалиётга жорий этиш кўламини кенгайтириш, унинг тижоратлашиш, хўжаликларнинг моддий техник ва молиявий рағбатларга эга бўлишига замин яратиб бериш, провардида эса ижтимоий (озик-овқат хавфсизлиги, илм-фан ривожи, технологик қуролланиш, кўникмаларнинг шаклланиши) ҳамда иқтисодий (юқори фойда, рақобатбардош бозор сегментига эга бўлиш, нобутгарчиликни камайтириш) каби бир қатор самараларнинг юзага келишига хизмат қилади.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Асаларичилик. "Агробанк" АТБ – 2021. <https://agrobank.uz>
2. Аскаров Н. Республикада асаларичилик тармоғини ривожлантириш // Амалий қўлланма. "NEW-STYLE STAR" МЧЖ, @ ҚҲИ ИТИ, 2017 йил, 51 бет.
3. Аминов Ф.Б. (2022). НАПРАВЛЕНИЯ РАЗВИТИЯ ПРОИЗВОДСТВЕННОЙ КООПЕРАЦИИ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН. Экономика и социум, (10-1 (101)), 232-237.
4. Аминов, Ф. Б. (2022). УСЛОВИЯ ФОРМИРОВАНИЯ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН.
5. Эгамбердиева, С. Р. (2021). ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР ЖАРАЁНИДА ИНВЕСТИЦИЯЛАР ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ. Экономика и финансы (Узбекистан), (4 (140)), 42-47.
6. Эгамбердиева, С. Р. МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИГА ЎТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ВА АҲАМИЯТИ.«. ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТ: МУАММО, ТАҲЛИЛ ВА РИВОЖЛANIШ ИСТИҚБОЛЛАРИ» Халқаро илмий-амалий анжуман илмий мақолалар тўплами 20-21 май 2021 й., 460.
7. Jumayeva, G. J. R., & qizi Sultonova, M. O. (2022, December). FERMER XO 'JALIKLARINING MOLIYAVIY NATIJALARGA TA'SIR QILUVCHI OMILLARNI HISOBBLASH YO 'LLARI. In INTERNATIONAL CONFERENCES (Vol. 1, No. 18, pp. 127-130).
8. Tursunov, I., Jumayeva, G., & Ostanov, K. (2017). Features of innovation development of the economy Uzbekistan. In *International conference on scientific development in North America* (pp. 43-49).
9. Равшанов А. Д. Абдисалом Дусиёрович, Хасанов Шамсиддин Хафизович, & Алимханова Нигора Алимхановна (2018). Қишлоқ хўжалигини инвестицион-инновацион ривожлантириш имкониятлари ва истиқболлари. Экономика и финансы (Узбекистан), (11), 9-14.
10. Murodova, N. U., Temirova, F. S., Alimkhanova, N. A., Dostova, M. K., & Azimova, K. E. IMPROVING THE CALCULATION OF INVENTORIES OF GOODS IN ACCOUNTING.

11. Эргашева, Н. (2022). ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИДА ҲИСОБ СИЁСАТИНИНГ ТАШКИЛИЙ-УСЛУБИЙ ТАЪМИНОТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ. *Innovatson texnologiyalar*, 1(04), 108-111.
12. Azimova, H. E. (2022). ISSUES OF DEVELOPMENT OF FOREIGN TRADE WITH THE HELP OF FOREIGN INVESTMENTS. *Gospodarka i Innowacje*, 29, 183-188.
13. Эгамбердиевна, А. Ҳ. (2021). ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШДА ҲУҚУҚИЙ ВА ИНСТИТУЦИОНАЛ АСОСЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ. *Журнал Инновации в Экономике*, 4(5).
14. Azimova, H. E. (2022). INCREASING INVESTMENT ATTRACTIVENESS OF REGIONS. *Gospodarka i Innowacje*, 29, 178-182.
15. Azimova, H. E. (2022). ISSUES OF DEVELOPMENT OF FOREIGN TRADE WITH THE HELP OF FOREIGN INVESTMENTS. *Gospodarka i Innowacje*, 29, 183-188.
16. Музаффарова, К. З. (2021). МИНТАҚА ИҚТИСОДИЁТИГА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШ ҲОЛАТИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ. *Архив научных исследований*, 1(1).
17. Музаффарова, К. З. (2019). Роль иностранных инвестиций в развитии национальной экономики Узбекистана. *Экономика и предпринимательство*, (1), 411-414.
18. NORMAMATOVICH, K. O., EGAMBERDIYEVNA, A. K., & HAKIMOVICH, B. K. Creating a Favorable Environment for Attracting Foreign Investment and Strengthening Its Legal Framework. *JournalNX*, 6(05), 53-56.
19. Khakimovich, B. K. . (2022). Development of Private Capital Financial Statement Audit Methodology in Accordance with International Standards. *European Multidisciplinary Journal of Modern Science*, 4, 299–303.
20. Farmanov , J. Z., Rimboyeva , N. X. qizi, & Rimbayeva , G. X. qizi. (2023). QISHLOQ XO'JALIGINI RAQAMLASHTIRISHDA XORIJ TAJRIBASIDAN FOYDALANISH. GOLDEN BRAIN, 1(1), 231–236. Retrieved from
21. Farmanov J. UKRAINIAN EXPERIENCE IN DEVELOPING THE BEEKEEPING NETWORK IN OUR COUNTRY //European International Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2022. – Т. 2. – №. 09. – С. 66-69.
22. Ochilov, A. O., Ostonov, E., Shodiev, B. T., Ergashev, T. S., & Khakkulov, F. F. (2022). Modern Approaches To Management Of Training Of Highly Qualified Personnel In The New Uzbekistan Higher Education System. *Journal of Positive School Psychology*, 6(10), 2432-2442.
23. Шодиев Б.Т. ПРИОРИТЕТНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОГО ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ПАСТБИЩ // Экономика и социум. 2022. №10-1 (101). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/prioritetnye-napravleniya-effektivnogo-ispolzovaniya-pastbisch> (дата обращения: 28.02.2023).
24. Бердиев, А. Ҳ., & Расулов, Ҳ. Қ. (2020). Туризм-перспективный сектор экономики Узбекистана. *Economics*, (2 (45)), 14-18.
25. Hakimovich, B. A. (2021). Prospects for Innovative Agricultural Development. *Academic Journal of Digital Economics and Stability*, 350-356.
26. Туробов, Ш. А. (2021). ҚИШЛОҚ УЙ ХҮЖАЛИКЛАРИДА АЁЛЛАР МЕХНАТИДАН ФОЙДАЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ. *Журнал Инновации в Экономике*, 4(5).

27. Turobov, S. A., & Faxriddinov, B. F. (2021). DEVELOPMENT OF HOME-ENTREPRENEURSHIP-GUARANTEE OF AGRICULTURE STRATEGY. *International journal of trends in marketing management*, 9(1).
28. Усанов, А., & Раҳмонқул, Д. (2019). Ўзбекистон иқтисодий ривожланишида камерал назоратнинг тутган ўрни. *Экономика и финансы (Узбекистан)*, (11), 55-60.
29. Джалилов, Р. (2023). ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИФИ БЎЙИЧА ИМТИЁЗЛАР ҲИСОБНИИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ. *Economics and education*, 24(2), 272-278.
30. Iskandarovich, R. R. (2022). QISHLOQ XO ‘JALIGIDA AGROKASTERLARINI BARPO ETISHNING XORIJ TAJRIBALARI. *Gospodarka i Innowacje*, 24, 390-394.
31. Рашидов, Р. И., & Муртазаев, Н. Р. (2020). DIRECTIONS OF INNOVATIVE AGRICULTURAL DEVELOPMENT. *ЖУРНАЛ АГРО ПРОЦЕССИНГ*, 2(7).
32. TUYGUNOVICH, A. A., OGLI, S. O. A., & QIZI, K. Z. K. Problems of Improving Stock Market Trading Mechanisms in Uzbekistan. *JournalNX*, 6(07), 330-334.
33. Aliqulova, A. (2020). ANALYSIS OF THE ACTIVITIES OF SECURITIES OF COMMERCIAL BANKS AT THE RSE “TASHKENT”. *International Finance and Accounting*, 2020(1), 13.
34. Маматов, А. А., & Хуррамов, А. Ф. (2017). Иностранные инвестиции как фактор экономического роста Республики Узбекистан. *Экономика и предпринимательство*, (10-2), 98-101.
35. Хуррамов, А. (2012). О монографии ИС Абдулаева «ПРОГНОЗИРОВАНИЕ СОЦИАЛЬНОГО РАЗВИТИЯ РЕГИОНА». *ва молия Экономика*, 50.
36. Хуррамов, А. Ф. (1993). Арендные отношения и пути их совершенствования в условиях перехода к рыночной экономике (на примере хлопководческих совхозов).
37. Узоков, Н., Хушмурадов, О. Х., & Бабаева, Л. (2014). РОЛЬ ИНВЕСТИЦИИ В МОДЕРНИЗАЦИИ И РАЗВИТИИ ПРЕДПРИЯТИЙ В УСЛОВИЯХ РЫНОЧНОЙ ЭКОНОМИКИ. In *ФЕНОМЕН РЫНОЧНОГО ХОЗЯЙСТВА: ОТ ИСТОКОВ ДО НАШИХ ДНЕЙ* (pp. 376-378).
38. Oman, X., & Alisherovich, T. S. (2022). THE ROLE AND IMPORTANCE OF CLUSTERS IN THE AGRICULTURAL SECTOR. *Gospodarka i Innowacje*, 29, 202-206.
39. <https://agronet.uz/asalarichilik-kitobi>
40. [https://uz.beekeepers.uz/novosti/news\\_post/asalarichilik-kitoblar](https://uz.beekeepers.uz/novosti/news_post/asalarichilik-kitoblar)